


ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларига кўра 2018 йил январь-июнь ойларида 21568 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 38,7 % га камайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 6,6 ҳолатни ташкил этмоқда.

Барча хизмат йўналишлари бўйича жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирликда




Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2018 йил январь-июнь ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 1354 тадан 896 тагача (33,8 %га) камайганлигини кўриш мумкин. Оғир жиноятлар эса 2018 йил январь-июнь ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 4554 тадан 3565 тагача камайган (21,7% га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан (12125 та ҳолат) 2018 йил январь-июнь ойларида 7017 тани ташкил этиб, 42,1% га камайган.

Жиноятлар таркиби ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги хулосаларни беради: агар содир этилган жиноятларнинг оғирлиги нуқтаи-назаридан қаралса,

кўринадики, Тошкент шаҳрида жами содир этилган жиноятларнинг 24,1%, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида 35,2% унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этади; оғир жиноятлар эса Сурхондарё вилоятида 10,1%, Сирдарё вилоятида 10,2%, Хоразм вилоятида 19,9% ва Тошкент шаҳрида 23,9% ни ташкил этган бўлиб, республика бўйича 16,5% ни ташкил этади; ўта оғир жиноятлар Наманган вилоятида 2,5%, Самарқанд вилоятида эса 6,1% ни ташкил этади.


2018 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар кесимида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирликда



Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 2018 йил январь-июнь ойларида 2017 йил январь-июнь ойлари билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Сирдарё (50,4% га), Қашқадарё (50,3 % га), Хоразм (40,5% га), Самарқанд (40,0% га), Бухоро 38,1% га), Навоий (37,8% га), Тошкент (36,3 % га), Сурхондарё (36,1% га), Фарғона (32,0% га), Андижон (26,8% га), Жиззах (25,3% га), Наманган (25,0% га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (42,7% га) ва Тошкент шаҳрида (50,1% га).

2018 йил январь-июнь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноят турлари бўйича сони, бирликда


январь-июнь 2018 й
январь-июнь 2017 й.



Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (62,8% га), талончилик жинояти (58,8% га), босқинчилик жинояти (58,6%га), безорилик жинояти (50,1% га), порахўрлик (46,8% га), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (43,0% га), иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар (39,3% га), фирибгарлик (39,2% га), гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид (23,3% га), қасдан баданга оғир шикаст етказиш (17,7% га), қасдан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш (17,6% га) жиноятлари сони камайган.

Шу билан бирга, дўкон ва савдо нукталарини тунаш 45,7% га, велосипед ва мопедларни тунаш 45,6% га, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 43,6% га камайган.


2017-2018 йил январь-июнь ойларида вояга етмаган жиноят содир этганларнинг жами жиноят содир этганлар ўртасидаги улуши



Юқоридаги расмдан кўринадики, жами жиноят содир этганларнинг Сурхондарё вилоятида 3,4%, Наманган вилоятида 2,6%, Бухоро вилоятида 2,5%, Фарғона вилоятида 2,3%, Сирдарё 2,0%, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида 1,9%, Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 1,7%, Қашқадарё вилоятида 1,4% ва Навоий вилоятида 0,9% ни вояга етганлар томонидан содир этилган жиноятлар ташкил этади.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан таққосланганда айрим вилоятларда ушбу кўрсаткич ўсиши кузатилган, масалан, Жиззах ва Наманган вилоятларида 0,7%, Бухоро вилоятида 0,6%, Самарқанд вилоятида 0,5%, Сирдарё вилоятида 0,4%, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятларида 0,3%. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида 0,8%, Тошкент вилоятида 0,4%, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида 0,3%, Андижон ва Хоразм вилоятларида 0,1% кичик ижобий ўзгаришлар кузатилди.

2018 йил январь-июнь ойларида жиноят содир этган шахслар



Жиноят содир этган шахслар сони жами 23143 кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-июнь ойлари билан таққосланганда 39,3% га камайган. Шулардан 18031 нафари жиноий жавобгарликка тортилган ёки 2017 йил январь - июнь ойларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортилганлар сони 56,6 % ни ташкил қилади.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 40,8% га, эркеклар томонидан жиноят содир этиш эса 39,0% га камайган.

Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича тахлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар (44,0% га), умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари (42,0% га) орасида жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этганлар орасида аввал жиноят содир этганлар (43,4% га), маст ҳолатда (41,7% га), гуруҳ бўлиб (40,5% га), вояга етмаганлар ўртасида (39,7% га) жиноят содир этиш камайган.